
Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг : "Фурқат туманидаги мавжуд "Калдушон" маҳалла фуқаролар йиғинини бўлиш орқали янги "Жалойир" маҳалла фуқаролар йиғинини тузиш тўғрисида"ги қарори



XALQ DEPUTATLARI FURQAT TUMAN KENGASHINING QARORI

2022 - yil 29 - dekabr

VI-58-188-11-164-K/22

Furqat tuman hokimligi

Фурқат туманидаги мавжуд “Калдушон” маҳалла фуқаролар йиғинини бўлиш орқали янги “Жалойир” маҳалла фуқаролар йиғинини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сонли қарорининг иловасига мувофиқ “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Мазкур низом талабларидан келиб чиқиб, Фурқат тумани “Калдушон” маҳалла фуқаролар йиғинида 2021 йилнинг 25 октябрь куни 01/01-4/8-сонли “Калдушон” маҳалла фуқаролар йиғинини иккига бўлиш ва янги маҳалла фуқаролар йиғини тузиш тўғрисида ҳамда 2021 йил 3 декабрь куни 01/01-4/12-сонли “Калдушон” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан ажраб чиқиб, янги тузилиши режалаштирилган Тепа Жалойир ва Пастки Жалойир қишлоқларини ўз ичига оловчи алоҳида маҳалла фуқаролар йиғинига ном бериш масаласини муҳокама қилиш тўғрисида вакиллар йиғилиши бўлиб ўтган.

Мазкур йиғилишларда тегишли қарорлар қабул қилиниб, туман ҳокими номига 16.11.2021 йилдаги 89-сонли ҳамда 06.12.2021 йилдаги 98-сонли илтимосномалар билан мурожаат қилган.

Ушбу илтимосномалар туман ҳокимлиги томонидан қонунчиликка мувофиқлиги ўрганиб чиқилган ва туман ҳокимлигида 2021 йил 29 декабрь куни

Географик объектларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссиясининг 01-22-58/В-сонли йиғилиши бўлиб ўтган ва йиғилишда “Калдушон” маҳалла фуқаролар йиғинининг илтимосномасини қаноатлантириш бўйича қарор қабул қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туман ҳокимлиги томонидан Географик объектларга ном бериш ва уларни номларини ўзгартириш масалалари бўйича Фарғона вилоят комиссиясига тегишли хат юборилган.

Ушбу хатга асосан, Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2022 йил 04 октябрдаги йиғилиш баёни ва Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ҳақида эксперт хулосаси олинган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори асос учун қабул қилинсин.

2. Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2022 йил 04 октябрдаги йиғилиш баёни ва Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2021 йил 29 декабрдаги 01-22-58/В-сонли йиғилиш баёни ва Фурқат тумани “Калдушон” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 25 октябрдаги 01/01-4/8-сонли вакиллар йиғилиши баёни ва 2021 йил 16 ноябрдаги 89-сонли илтимосномаси ҳамда 2021 йил 3 декабрдаги 01/01-4/12-сонли вакиллар йиғилиши баёни ва 2021 йил 06 декабрдаги 98-сонли илтимосномаси маълумот учун қабул қилинсин.

3. Фурқат тумани “Калдушон” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Калдушон” маҳалла фуқаролар йиғинини бўлиш орқали янги маҳалла фуқаролар йиғини тузиш тўғрисидаги 2021 йил 16 ноябрдаги 89-сонли илтимосномаси қаноатлантирилсин ва янги “Жалойир” маҳалла фуқаролар йиғини тузилсин.

4. Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг

хулосасига асосан туманда янги тузилаётган маҳалла фуқаролар йиғинига “Жалойир” номи берилсин.

5. Фурқат тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими (А.Эрматов), туман Курилиш бўлими (О.Вахобов), Кадастр Агентлигининг туман бўлими (К.Тусматов), туман Давлат солиқ инспекцияси (Қ.Абдурахмонов), туман Статистика бўлими (лавозимига кўра), туман Давлат хизматлари маркази (Б.Собиржонов) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда янги тузилган “Жалойир” маҳалла фуқаролар йиғинининг номи, чегаралари, аҳоли ва хонадонлар сонини давлат рўйхатидан ўтказиш, электрон базани шакллантириш, бино билан таъминлаш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ ишларни амалга оширсинлар.

6. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (А.Эрматов), туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (А.Эшматов), “Жалойир” маҳалла фуқаролар йиғинида “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талаблари асосида маҳалла ҳудудида, кўчаларда вакиллар йиғилишларини ўтказиб, сайлов йиғилишига вакиллар нормаси асосида вакиллар сайлаш, маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни сайловини ўтказиш учун камида 3 нафардан кадрлар захирасини шакллантириб, туман ҳокимига таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

7. Туман ҳокимлиги (М.Орипов), туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (А.Эрматов), туман Ички ишлар бўлими (Т.Эгамбердиев), туман Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази (С.Тошпулатов), туман Оила ва хотин-қизлар бўлими (З.Алихаджаева), Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (У.Хамидов), туман Молия бўлими (С.Аҳмедов), туман ҳокимлигининг Ташкил назорат гуруҳи (А.Эшматов) билан биргаликда “Жалойир” маҳалла фуқаролар йиғини учун белгиланган тартибда штат бирликлари ажратиш ва туман Молия бўлиmidан рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш ишларини амалга оширсин.

8. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (А.Эрматов) “Жалойир” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги номи ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

9. “Жалойир” маҳалла фуқаролар йиғини тузилиши муносабати билан унинг ҳудуддаги “Калдушон” маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳисобида бўлган маҳалла мулки амалдаги қонунчиликка асосан ўтиши белгилаб қўйилсин.

10. Мазкур қарор “Навбахор” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман

хокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш туман ҳокимининг ўринбосари А.Аъзамов, ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари раислари зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси



Ж.Жуманов